



2016 йил «6» деқабр

№ 489-у

**Ер участкаси танлаш ва
курилишга рұхсат бериш
тұғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек обьектларни куришга рұхсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, 2016 йил 09 сентябрдаги “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ билан келишилган №1191/07 сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 26 сентябрдаги №1420-сонли экологик экспертиза хulosасини, Нуробод тумани Шуробод махалласи худудида жойлашган “Элмурод” фермер хўжалигига қарашли ер майдонига “Элмурод” фермер хўжалиги томонидан товуқхона биноси қуриш учун 0,15 гектар ер майдони танлаш тұғрисида ишчи комиссиянинг 2016 йил 25 ноябрдаги мурожаати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш буйича ишчи комиссиянинг 2016 йил 25 ноябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Шуробод махалласи худудида жойлашган “Элмурод” фермер хўжалигига қарашли ер майдонига “Элмурод” фермер хўжалиги томонидан товуқхона биноси қуриш учун 0,15 гектар ер майдони танлаш тұғрисида ишчи комиссиянинг 2016 йил 25 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансан.

2. “Элмурод” фермер хўжалиги раиси Х.Элмуродовга куйидаги вазифалар юклатылсın:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида

АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха хужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва курилиш назорат инспекциясидан курилишни амалга оширишга рухсат олиб, курилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-курилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончиллик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қўрилишни амалга ошириш:

-курилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мўрожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Х.Элмуродов томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва курилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б

Б.Эргашов

